Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
26 январь
ЧОРШАНБА

№ 8
(12.332)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

Вилоят ҳаёти

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ЦЕХ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг бошидаёқ кўплаб қишлоқ тадбиркорларига кенг имкониятлар яратилмоқда. Эшонгузарлик тадбиркор Р. Ҳамидов «Маданият» маҳалласида янги бино қуриб, атир-упа ишлаб чиқарадиган цех очди.

Ҳозир цехда тиш пастаси ишлаб чиқарилмоқда. Назарбек қишлоғида ҳам янги корхона фаолият бошлади. "Gavant Kevmiks" масъулияти чекланган жамияти қуруқ сувоқ материаллари тайёрлайди. Корхона қишлоқ аҳолисидан 56 нафарини иш билан таъминлади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

ЯНА БИР СПОРТ МАЖМУАСИ

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, уларда соғлом турмуш тарзига, хусусан, спортга интилиш кўникмасини шакллантириш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ишга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани қувонарлидир.

Паркент туманида замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, барча шарт-шароитга эга спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мазкур мажмуа тумандаги "Раҳимжон" фермер хўжалигининг ҳомийлик ёрдамида қуриб битказилди.

– Бу ерда ёшларимиз ўндан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Абдуллаев. – Мажмуада кийиниш, ювиниш, дам олиш хоналари, овқатланиш ва савдо шохобчаси ҳам мавжуд. Мазкур спорт иншоотининг фойдаланишга топширилиши, айниқса, қишлоқ ёшларини қувонтирди.

ЎзА.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ЭНГ МУҲИМИ – САМАРАДОРЛИК

Охирги пайтларда вилоятимизда барпо этилаётган мевали ва манзарали боғ-роғлардан келажакда кутилаётган самара кўнгилдагидек бўлиши нафақат уларга ишлов бериш, балки турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишга ҳам боғлиқ.

Зангиота туманидаги "Носир жаннат боғи" фермер хўжалигида ўтказилган республика ўқув-семинарида шу ҳақда сўз борди.

Семинарда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Агрохимия ва ўсимликларни ҳимоя қилиш республика маркази ва Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти раҳбар ва мутахассислари ўсимликларни ҳимоя қилиш марказларининг туман бўлимлари раҳбарларига, мева, сабзавот ва узум етиштирувчи фермер ва ҳосилотларга мева зараркунандаларига қарши курашнинг янги ҳамда хавфсиз усуллари ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, сабзавот ва меваларнинг сифатини таъминлаш, инсон саломатлигига хавф туғдирувчи омилларни бартараф этиш йўлларига алоҳида диққат қаратилди.

Қатнашчилар семинар давомида Ўзбекистон олимларининг ўсимликларни ҳимоя қилиш ва боғбонлар меҳнатини осонлаштирувчи техник мосламалар билан таништилар. Бундай ихтироларнинг бир қисми "Носир жаннат боғи" фермер хўжалигида муваффақият билан қўлланилаётганига ўзлари гувоҳ бўлишди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

СУРАТДА: республика ўқув-семинаридан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҚАРОР ВА ИЖРО

МАЖБУРИЙ СУҒУРТА – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суғурта фаолияти ва назоратининг қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суғурта соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган янгилик ва ўзгаришлар бунинг мисолидир.

2009 йил 16 апрелда қабул қилинган "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни юртимизда суғуртанинг янги турини жорий этиш билан бирга, аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур қонунда белгиланганидек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ходимнинг ногиронлигига ёки ўлимига сабаб бўлса, жабрланувчи ёки вафот этган ходим қарамоғидаги меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига бир йўла бериладиган нафақа тўланади. Шунингдек, вояга етмаган болаларига ва бошқа зарар ундириш ҳуқуқига эга шахсларга маълум муддат давомида ҳар ойлик тўловлар амалга оширилади.

Иш берувчининг ходим олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришини таъминлаш, корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш, ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган ва 2010 йилнинг 21 декабридан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунда иш берувчи (жисмоний шахс билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузган юридик ёки жисмоний шахс) фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилмаса, маъмурий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 492-модда билан тўлдирилди.

– Бундан кўзланган мақсад – иш берувчининг мажбурий суғурта мажбуриятини ўз вақтида бажаришини таъминлаш, уларга нисбатан аниқ жавобгарликни назарда тутиш ҳамда ушбу жавобгарликни қўлловчи назорат органларининг мансабдор шахсларини белгилашдан иборат, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими Зокир Ёқубов. – Унга кўра, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлар жаримага тортилади. Жарима миқдори фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда белгиланади. Бу эса ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Айни вақтда қонуннинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва корхоналарнинг, айниқса, кичик бизнес вакилларининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишини англаб етган тадбиркорлар суғурта компанияларига мурожаат қилаётир.

Мазкур қонун ижросини таъминлашда ва иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда "O'zagrosug'urta" универсал суғурта компанияси томонидан муайян ишлар бажарилаётир. Компаниянинг икки юздан ортиқ ҳудудий бўлимлари юртимиздаги юридик ва жисмоний шахсларга саксондан ортиқ турдаги суғурта хизматини кўрсатиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БУГУННИНГ ГАПИ

Истиқлол йилларида халқимиз эришган энг катта ютуқлардан бири, шубҳасиз, ғалла мустақиллигидир. Бир вақтлар мамлакатимиз ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида катта маблағлар тўлаш ҳисобидан четдан дон олиб келган бўлса, бугун Ўзбекистон ғаллани экспорт қилиш имкониятига эга.

ДОН ТЎКИН – ЭЛ-ЮРТ ТЎКИС

Давлатимиз гербининг бир қанотида буғдой бошоқлари тасвири ифоданланган. Миллий қадриятларимиз силсиласида икки ёшни никоҳлаш маросимида патир ушатилади, узоқ сафарга кетаётган инсонларга нон тишлатилади, бешикка беланган чақалоқ ёстиғи остига кулча қўйилади. Буларнинг барчаси нон – халқимиз учун азал-азалдан меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўкинлик ва фаровонлик рамзи, азиз ва бебаҳо неъмат бўлиб келганидандир. Зотан, халқимизнинг "Дон тўкин – эл-юрт тўкис", деган пурмаъно гапи ҳам шундан далолатдир.

Минтақамизда об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариб бораётгани мамлакатимиз далаларидаги ғалла ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатаётир. Ёғингарчилик кам, қуруқ ва қировли совуқ узоқ давом этаётган ҳозирги кунларда ягона мақсад – ҳаётимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида барчамиз ҳамжиҳатликда кучли ирода ва ишонч билан деҳқонларимизга қўлдан келганча кўмак беришимиз зарур. Бу бизнинг ҳам фуқаролик, ҳам инсоний бурчимиздир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, юртимизда 1 миллион 335,2 минг гектар майдонга ғалла экилган. Шундан 1 миллион 131,8 минг гектари суғориладиган ерлардир.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бу йилги қуруқ, қировли совуқ боис ғалла ривожи ўтган йилларга нисбатан 10-15 кун орқада қолаётир.

Бунда, аввало, совуқ таъсир қилиши мумкин бўлган, ҳозиргача кўкармаган ғалла майдонлари аниқланаётир. Ўсишдан орқада қолган ғалла майдонларини маҳаллий ўғит билан озиқлантириш эса тупроқнинг физик-кимёвий ва биологик хоссасини яхшилайди. Унинг сув шимишини ва фосфатларнинг эрувчанлигини оширади, сувда эрийдиган тузлар миграциясини камайтиради, озуқа элементларини ювилишдан ҳимоя қилади, энг муҳими, тупроқнинг табиий намлигини сақлайди.

Бунинг учун ҳар бир гектар ғалла майдонига камида 10 тонна маҳаллий ўғит чиқариш, ҳар 3 гектарга биттадан ҳандақ қазиб, уларни маҳаллий ўғит, фекал ва минерал ўғитлар билан бойитилган компост захираси билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Мутахассисларнинг айтишича, 20 тонна чала чириган гўнг таркибида 0,3 тонна аммиакли селитра, 0,25 тонна оддий суперфосфат ва 0,2 тонна калий хлоридга тенг озиқ моддалар мавжуд. Маҳаллий ўғит қуруқ ва совуқ ҳаво шароитида эканлиги совуқдан асрайди, туплаш жараёнини тезлаштиради, ер намлигини меъёрига етказади, микроорганизмларни фаоллаштиради.

Шу кеча-кундузда юртимиз маҳаллаларида, қишлоқ ва овулларида хонадонлардаги маҳаллий ўғитларни далага олиб чиқиш ишлари жадал амалга оширилаётир. Бу нафақат ғалла ривожига, балки ҳудудларнинг санитария-гигиена ҳолатини янада яхшилашга, саранжом-саришталик ва озодагарчиликка ҳам хизмат қилмоқда.

Буғдой экилган айрим майдонларда қуёш нури яхши тушмаганлиги сабабли майсалар тўлиқ тупламасдан тез ва қисқа муддатларда найчалашга ўтиши оқибатида, бошоқ сони кескин камайиши мумкин. Бугун барча кучларни сафарбар этган ҳолда бундай камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, зараркунандалар ва турли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида дала четларини бегона ўт, хашак ва чиқиндилардан тозалаш тадбирлари ҳам кучайтирилмоқда. Ички ариқлар, зовур ва дренажларни шай ҳолга келтириш ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

...Ғалла – ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз тўкинлиги манбаи. Сайёрамиздаги ноқулай иқлим шароити туфайли жаҳон бозорида буғдойнинг нархи ошиши кутилаётган бугунги шароитда бу бебаҳо неъматнинг қадрига янада кўпроқ етишимиз, юртимиздаги мавжуд дон маҳсулотлари захирасини бойитишга барчамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор.

Умид ЁҚУБОВ, ЎзА шарҳловчиси.

УСТОЗЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари ҳамда "Нуроний" жамғармаси кенгашлари ҳамкорлигида маданий-маърифий кеча ўтказилди.

Маърузачилар Ватан саждагоҳ каби муқаддас, юрт тинчлиги энг буюк бахт эканлигини эътироф этдилар. Устозлар билан жонли мулоқот қизғин ўтди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари жангчиларга руҳан мадад бўлган санъаткорларимиз жасорати ҳақидаги ҳикоялар барчани ҳаяжонга солди.

– Биз жуда кўп давраларда бўлганмиз. Лекин сиз каби шарафли касб эгалари билан учрашиш катта бахт, – деди Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова. – Негаки, сизлар ўзининг теран салоҳияти билан дунёга танилиб бораётган бахтиёр авлод, яъни келажагимиз эгаларини тарбиялаяпсиз.

Санобар СУННАТОВА.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

КАТТА ИШЛАР ОЛДИДА

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш ислоҳотларнинг бош йўналиши сифатида ҳаётимизда барқарор ўрин эгаллади. Шахсий ташаббус, ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очилиши натижасида хилма-хил мулк шаклларидаги катта-кичик корхоналар, фирмалар, қурилиш ташкилотлари равнақ топа бошлади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ислоҳотлар йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараён изчил тус олгани ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омилига айланди.

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бу жараёнларга ўзгача руҳ ва суръат бағишлади. "Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририяти Бекобод шаҳар ҳокимлиги, вилоят савдо-саноат палатасининг шаҳар ахборот-маслаҳат маркази, савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вилоят кенгашининг шаҳар вакиллиги билан ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид саъй-ҳаракатлар, эришилаётган натижалар ва истиқболли режалар хусусида сўз борди.

(Давоми 3-бетда).

СУРАТДА: Бекобод шаҳридаги "Ширин-Орзу-Қувонч" масъулияти чекланган жамиятининг ишчилари Моҳира Бозорова ва Матлуба Алиева маҳсулотни қадоқлаш пайтида.

2011 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг индекси – 205.

ЕТАКЧИЛАР ЎҚУВ-СЕМИНАРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар бўлими мактаблардаги бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув-семинар ташкил этди.

Машғулот давомида "Етакчи – ким?", "Етакчи қандай бўлиши керак?", "Бугунги етакчи – замон билан ҳамнафасми?" мавзуларида ходимларнинг маълумотлари тингланди.

Иштирокчилар ўзаро тажриба алмашиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича услубий тавсиялар олишди.

Семинар сўнгида иштирокчиларнинг эгаллаган билимларини аниқлаш мақсадида якуний савол-жавоб асосида имтиҳон ўтказилди. 14-мактаб етакчиси Ирода Нортожиева, 7-мактаб етакчиси Дилфуза Андақулова, 16-мактаб етакчиси Юлдуз Абдуллаева ва 13-мактаб етакчиси Шаҳноза Раҳимова фаолияти юқори баҳоланди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ЭМЛАШ – ҚИЗАМИҚҚА ҚАРШИ ЯГОНА ВОСИТА

Қизамиқ касаллигини қўзғатувчи вирус бемордан ҳаво-томчи йўли орқали юқади. Касаллик белгилари 2-3 кун ичида кўз ёшланиши ҳамда қуруқ йўтал орқали намоён бўлади. Тана ҳарорати кўтарилади.

Баданнинг қақшаб оғриши, кўз қизариши, ёруғликдан қўрқиш пайдо бўлиб, лунжнинг шиллиқ қаватида оқ доғчалар пайдо бўлади. Касалликнинг 14-кунидан терини тошмалар босади, 3-4 кун ўтгач, тошмалар астасекин йўқолиб, ич кетиш ҳоллари кузатилади. Агар бемор ўз вақтида даволанса, асоратсиз соғайиб кетади. Акс ҳолда қулоқнинг йириングлаши, зотилжам каби асоратлар қолиши мумкин.

Қизамиқдан сақланишнинг бирдан-бир йўли - киши танида сунъий иммунитет содир қилишдир. Бунга эса фақат эмлаш йўли билан эришилади.

Вилоятда 22 январдан бошлаб 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ҳамда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган, илгари эмланмаган аҳолини эмлаш бошланди.

Камола ТЎЛАГАНОВА, саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали директори.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz;
e-mail: oao@post.uz

ҚАРОР ВА ИЖРО

МАЖБУРИЙ СУҒУРТА – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

– Компаниямизда мазкур қонун ижросини тўлиқ амалга ошириш мақсадида янги суғурталаш механизми ишлаб чиқилди, – дейди "O'zagrosug'urta" компанияси бошқарувининг шахс суғуртаси бўлими менежери Меҳри Саидалимова. – Вилоятларда фаолият юритаётган юридик шахсларнинг сони – суғурта майдони изчил ўрганилди. Иш берувчиларга қонунчиликка киритилган ўзгартишларнинг аҳамияти ва афзаллигини, фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини тушунтириш борасида вилоятлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан биргаликда юридик мақомга эга ташкилотлар иштирокида ўқув семинарлари ўтказилди.

Компанияда 2010 йилда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш юзасидан тузилган шартномалар бўйича олинган жавобгарлик ҳажми қарийб 2 триллион сўмга етди. Суғуртанинг ушбу туридан жабрланувчиларга ва вафот этган ходимларнинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига 304,5 миллион сўм суғурта товони тўланди. Бу, ўз навбатида, иш берувчиларнинг мулкий манфаатлари ҳимояланишига ва молиявий аҳволига ижобий таъсир кўрсатди. Шунингдек, соғлиғи, ҳаётига зарар етган ёки вафот этган ходимнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлади.

Эътиборлиси, қонунчиликка киритилган янги ўзгартишлар меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини таъминлайди ҳамда иш берувчининг ходимлар олдидаги масъулиятини янада оширади. Шунингдек, бахтсиз ҳодисалар туфайли иш берувчилар томонидан сарфланадиган йўқотишларнинг олдини олиш, жабрланувчиларнинг меҳнат жараёнида бахтсиз ҳодиса туфайли кўрган зарарининг ўрнини тез ва одилона қопланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу мамлакатимизда инсон, унинг манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ – АМАЛДА

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш изчил давом этаётгани натижасида тизимда тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури, ҳажми, сифати, рақобатбардошлиги ҳамда харидоргирлиги ошмоқда.

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга яратилаётган имкониятлар ҳамда қулай инвестиция шароити янги корхоналар барпо этилишида муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари реконструкция ва модернизация қилиниб, янги ишлаб чиқариш цехлари ва линиялари ишга туширилмоқда.

Янгийўл туманида "Элнур энд Руслан текстиль" корхорижий корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Корхона бир ойда бир миллион дона трикотаж маҳсулотлари, сочиқ, болалар кийимкечаклари ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни кунларда мазкур корхонада юздан ортиқ моделдаги болалар мавсумбоп кийимлари тайёрланмоқда.

– Корхонамиз юксак иш унумдорлиги, маҳсулотнинг юқори сифати, рақобатбардошлиги ва харидоргирлигини таъминлайдиган энг замонавий техникалар билан жиҳозланди, – дейди корхона иш бошқарувчиси Баҳодир Алавов. – Маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинади. Бир йилда 10 млн. АҚШ долларилик маҳсулотни четга чиқариш кўзда тутилмоқда.

Қарийб юз фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобига иш бошлаган корхонада юзга яқин киши доимий иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир. Корхона тўлиқ қувват билан ишласа, яна мингта иш ўрни яратилади.

СУРАТЛАРДА: босма цех ишчилари Чарос Махсумова, Фарида Холдорова, корхона иш бошқарувчиси Баҳодир Алавов; нақш цехида иш қизғин.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ВАТАННИ СЕВ, ТУПРОҒИНИ ЎП

«БАЛАНД ЖОЙ»ДАН ЧИҚҚАН МУАЛЛИМ

Бекободнинг Далварзин қишлоғини вилоятимизда билмайдиганлар кам бўлса керак. Аммо, қишлоқнинг тарихини Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Қосим Ёқубовдан таълим-тарбия олаётган болажонлар, ўсмир ёшлар жуда яхши билишади.

– "Далварзин" – "баланд жой", "тепалик жойлар" дегани, – дейишади улар. – Бир пайтлар Далварзин чўллари дея машҳур бўлган жойларда ҳозир Ўзбекистонимиз саноати учун зарур бўлган пахта хом ашёси етиштирилади. Ўз фанининг билимдони, салкам 50 йилдан буён танлаган касбини ардоқлаб келаётган устоз-мураббий шундай дейди:

– Тарих ва география фанлари – бамисоли эгизак. Уларни қўшиб ватаншунослик фани деса бўлади. Ҳар бир ўқувчининг юрагида Ватан туйғуси деган тушунча шаклланиши учун яшаш жойини яхши кўриши керак. Бу кўникма оила, боғча ва энг асосийси мактабда туп қўйиб, палак ёзади.

Кекса устознинг ярим асрдан зиёд, 60 йиллик умр йўллари, ҳаёт китобига мазмун бағишлаган ўқувчи ва ўқитувчилик йилларида топган бебаҳо хазинаси, бойлиги ўзи ўқиган, ўқитган 11-мактаб болажонларининг меҳри, одоби, камолидир.

– "Дарахт бир жойда кўкаради", деб бежиз айтишмаган, – дейди у. – Умримни мен учун азиз бўлган муқаддас даргоҳда ўтказаётганлигимдан заррача бўлса-да, ўкинмайман. Зеро, меҳнатларим мевасини билимга чанқоқ, интилувчан болажонлар нигоҳларида кўргандек бўламан. Уларда ҳайрату ҳавас, меҳр-муҳаббат мужассам.

Қосим Ёқубовнинг сўзлари бежиз эмас. Инсон аввало ўзи яшаб турган жой, ҳудуд, борингки, диёрини севмай туриб, Ватаннинг қадрига етмайди. Ниманидир севиш, ардоқлаш учун эса уни яхши ўрганган бўлиши керак. Бу борада халқ ўқитувчисининг мулоҳазалари асосли:

– Ҳар қандай вазиятда ҳам ёшларга пухта билим беришга, уларни эл-юртга муҳаббат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга интилдим. Бунинг учун тарих фани сабоғини аввало, ўз қишлоғимиз ўтмиши, Далварзин чўлини боғу бўстонларга айлантирган инсонлар ҳақида ҳикоя қилишдан бошладим. Айниқса, мустақиллиқ йилларида Ўзбекистонимиз тариҳи чуқур ўрганилиши фаолиятимизни кўтаринкилик билан, кенг қамровда олиб бориш имконини берди. Ўз навбатида, тарихни яхши билиш учун, воқеа жойининг табиати, географик жойлашиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, Ўзбекистон тарихи ва географиясига оид маълумотларни ўқувчилар ўз яшаш жойлари мисолида яхшироқ ўзлаштиришади. Шу маънода ўлкашунослик манбаларини ҳаёт китобига ўхшатиш мумкин. Унинг ҳар бир саҳифасини ҳамжиҳатликда бойитиш ва унга сайқал бериш зарур. Бу борада тарих ўқитувчиси ташаббус кўрсатиши, бошқаларга ибрат бўлиши ва бугунги кунларимизнинг қадрига етиш учун уларни мозий сари саёҳатга чорлаши керак.

Ўз фанининг ҳақиқий фидойиси Қосим Ёқубов ишию сўзи бир мураббийлардан. Ўзи ишлаётган 11-умумтаълим мактабида ташкил этган "Далварзин тарихи" музейи ўқувчилар учун бебаҳо кўргазма бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда қишлоқ тарихи билан боғлиқ маълумотлар: турли даврга оид тарихий ҳужжатлар, фотосурат, кийимкечак, меҳнат қуроллари, тақинчоқлар, пуллар, фотоальбом, ўсимлик ва ҳайвонот олами, гербарийлар мавжуд. Ўқувчилар ёрдамида йиғилган маълумотлар, тарихий ҳужжат ва анжомларнинг бир қисми туман ёшлар ижодиёти марказидаги "Ўлка тарихи" музейидан жой олди. Бу музейда сақланаётган экспонатлар ва бошқа манбалар нафақат мактаб ўқувчилари, балки барча қизиқувчиларда катта таассурот қолдириши табиий. Эътиборга этганимиздек, жонкуяр ўқитувчининг йиллар давомида тўплаган иш тажрибаси ҳар бир халқ таълими ходими учун ибрат мактаби бўла олади.

– Мен оддий қишлоқ ўқитувчисиман, – дейди камтарлик билан устоз. – Ўз фаолиятим давомида қишлоғим Далварзин, унинг одамлари, ёшларига меҳр қўйдим, ўқитдим. Уларни ўз туғилиб ўсган масканига ҳурмат, Ватанига муҳаббат руҳида тарбиялашга интилдим. Бу йўлда ҳамон изланишдаман...

Бу дил сўзларининг исботи ўлароқ, шуларни айтиш мумкин: бир пайтлар оддийгина қишлоқ мактаби деб юритиладиган бу маскан туманнинг энг илғор мактабларидан бирига айланди. Мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бераётган 90 ўқитувчининг 70 нафарини ўзи ўқитганлигини фахр билан таъкидлайди у. Шунингдек, бу даргоҳда билим олган ўқувчилар орасидан меҳнат қаҳрамонлари, олимлар, шоир ва ёзувчилар етишиб чиққан.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ва бераётган самараларини кенг жамоатчиликка етказиш журналистлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан пойтахтимизда ўтказилган ўқув-семинарда ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда босма нашрларнинг соҳага ихтисослашган журналистлари иштирок этди.

Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни янада қўллаб-қувватлаш учун кенг имтиёзлар ва преференциялар бериш, бу борадаги мавжуд норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса аҳоли, айниқса ёшларни иш билан таъминлашга, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Семинардан мақсад – иқтисодий мавзуда фаолият кўрсатувчи журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини янада ошириш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларни юртимизда соҳага оид қабул қилинаётган янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан атрофлича таништиришдан иборат.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Жисмонан соғлом бўлиш, хасталикларнинг олдини олишда спортнинг нечоғли муҳим ўрин тутишини исботлаш шарт эмас. Болаликдан спортга ҳавас қўйиб, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланган авлод етук ва баркамол бўлади.

МАҚСАД – БИНО ЭМАС, НАТИЖА

Шу мақсадда болалар спортига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳудудларда қуриб, фойдаланишга топширилган юзлаб спорт объектлари кўзни қувонтиради. Айниқса, қишлоқларда қад ростлаган спорт иншоотларида фарзандларимизнинг соғлом бўлиб ўсишлари, ҳатто, профессионал спортчи бўлиб етишиб, жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишлари учун замин яратилмоқда.

Воҳамизда ўтган етти йил ичида фойдаланишга топширилган 96 та спорт ва таълим иншоотининг учтаси жамғарма вилоят бўлимининг бевосита молиявий ва амалий ёрдами ҳисобига барпо этилди. Эътиборлиси шуки, уларнинг аксарияти қишлоқ ва чекка ҳудудларнинг фарзандларини спортга жалб этиш ва соғломлаштиришга хизмат қилаётир.

Фахрланиш ўз йўлига-ю, аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Объектни қуриб, фойдаланишга топшириш улуғвор мақсадларимизнинг илк босқичи холос. Уларни замон талабларига жавоб берадиган спорт анжомлари билан жиҳозлаш, малакали мутахассисларни жалб этиш, электр, газ, коммуникация ва тиббий хизмат даражаси, энг асосийси, болаларни машғулотга қизиқтира олиш қониқарли даражада, деб айтишимиз учун ҳали вақт борга ўхшайди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши ишчи гуруҳларининг йиғилишида шу масалалар диққат марказида бўлди. Жамғарма қуриб фойдаланишга топширган болалар спорт иншоотлари фаолиятининг самарадорлигини танқидий ўрганиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлари олдига январь ойи охиригача барча ҳудудлардаги аҳволни холис ўрганиб, мавжуд муаммо, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида таклифлар бериш вазифалари қўйилди. Текширувлар давомида спорт иншоотларидан фойдаланиш самараси, спортга оммавий жалб қилиш ҳамда спорт асбоб-ускуналари билан жиҳозлашнинг аҳволи ва шу пайтгача эришилган натижаларни таҳлил этиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда тўғри эътироф этилганидек, миллиардлаб бюджет маблағлари сарфланган спорт иншоотлари фақат кўзни қувонтириш учун эмас, балки амалда самара бериши, мамлакатимизнинг халқаро спорт мавқеини юксалтиришга йўналтирилган. Хуллас, жўжани январь ойи охирида санаймиз.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

КИЧИК ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Олмалиқ шаҳрида "Кичик ва оилавий бизнесни ҳамда инновацияларни рағбатлантириш йўллари" мавзуида семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, оилавий бизнесни ҳамда илғор ғоя ва таклифларга асосланган ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этишни рағбатлантириш йўллари муҳокама қилинди.

Қатнашчилар кичик, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлашди.

Семинарда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ходимлари ҳамда вилоят ҳокимлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс".

КЎКСАРОЙ МЕБЕЛЛАРИ

Ҳар биримиз хонадонимизни чиройли мебеллар билан жиҳозлашни хуш кўрамиз. Чунки улар бахридилимизни очади, уйимизга кўркамлик бахш этади.

Зангиота тумани, Кўксарой қишлоғи «Янгиҳаёт» маҳалласидаги «Аббосхон Ҳожи Акбар» хусусий фирмаси ишлаб чиқараётган мебеллар ҳақида шу фикрларни айтиш мумкин. Корхона ўтган йили иш бошлаган. Бир ойда 15-20 дона мебель тўпламлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир бу ерда 10 ишчи меҳнат қилаётир.

Фирма раҳбари Сатторхон Аббосов банкдан кредит олиб, фаолиятини кенгайтирмоқчи. Ошхона мебеллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши натижасида яна 20 та иш ўрни яратилади.

СУРАТДА: (чапдан) фирма раҳбари Сатторхон Аббосов тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

«СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА»

ҚАЛБЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТАЙЛИК

Ҳар бир боланинг фикрлаши, яхши ўқиб-ўзлаштириши жуда кўп омилларга, хусусан, унинг ўзига, ота-онаси, устозлари, ўраб турган муҳит ва шароитга боғлиқлигини биламиз. Аммо боланинг дарсларни пухта ўзлаштира олмаслиги унинг асаб тизимига, кичиклигида қандайдир касалликларни бошидан ўтказганига ҳам алоқадорлигини унутмаслик керак. Гап шундаки, биз гоҳида ўқувчининг ҳафсаласизлигини дангасаликка йўямиз. Аммо аслида шундаймикин?

Мутахассисларнинг айтишларича, ҳаддан ташқари шўх, жиззаки, ҳамманинг диққат марказида бўлишни хоҳлайдиган болалар ёшлигида гиперактивлик ва эътибор етишмаслиги синдроми билан оғриган бўлиши мумкин. Афсуски, ўқитувчилар кўпинча буни сезмай, ўқувчини жим ўтиришга мажбур қилмоқчи бўлишади. Бу – мутлақо бефойда. Ўқитувчи бундай ҳолатда уни жеркиб ташлаши ўринсиз, чунки, ўзида содир бўлаётган жараён учун боланинг ҳеч бир айби йўқ. Шунингдек, баъзи ўқувчиларнинг ёзуви ҳаддан ташқари хунук бўлиши ҳам уларнинг асаб тизимидаги бирор касаллик асорати эканлигидан дарак беради. Шу боис ота-она, тарбиячи, қоларверса, ўқитувчи боланинг ўзини тутиши, дарсни ўзлаштириши, руҳий ҳолатига эътибор бериши, ўз вақтида қандай касалликларни бошидан кечирганидан бохабар бўлишлари лозим.

Кўп ҳолларда бола бетоб бўлса, фақат унинг касалига эътибор берамиз-у, қалби билан қизиқмаймиз. Унинг руҳий ҳолати, асаби ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Кейинги пайтларда, ҳатто, чақалоқларда ҳам бош мия қобиғи ичидаги босим ошиши касаллиги учраяпти. У асосан онанинг ҳомиладорлик вақтидаги зўриқиши, камқонлиги, қоларверса, экологиянинг бузилиши оқибатида пайдо бўладиган касалликдир.

Маълумки, ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойида, асосан, боланинг бош мияси ривожланади. Ана шу вақтда онанинг қонидаги гемоглобин кўрсаткичи 110 дан кам бўлмаслиги, айниқса, муҳим. Сабаби – айнан шу даврда боланинг миясига ҳаво керак бўлади. Агар она камқон бўлса, бош миясига ҳавонинг етарли даражада бормаслиги оқибатида бола шу касаллик билан туғилиши мумкин. Шунингдек, ҳомиладорлик даврида касалликлар ҳам салбий таъсир кўрсатади. Афсуски, бизда айрим ёш келинчаклар етарли тиббий маълумотга эга эмас. Улар ҳомиладорлик даврида ўзларига керагича эътибор беришмайди. Бу эса, туғилажак фарзандига таъсир қилмай қолмайди. Шунинг учун бўлажак она тўғри овқатланиши, кўпроқ хўл мева, сабзавотлар истеъмол қилиши муҳимдир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Болаларда учраётган ушбу касаллик илгари ҳам бўлганми ёки энди пайдо бўлдими? Ахир, қон босимининг ошиши асосан ёши катталарда учрайди.

Тўғри, бу касаллик дастлабки пайтларда чақалоқларда у қадар аниқ намоён бўлмаслиги ҳам мумкин. Бола яхши ўсади, хотиржам ҳаракатда бўлади. Аммо, кейинчалик безовталаниш, йўргакка солмоқчи бўлганда оёқ-қўлини бермаслик, тик турғизганда оёқ учини қўймаслик, уйқусида чўчиш, йиғлаганда оғиз атрофининг кўкариши, ичнинг суюлиши, салга дам бўлиши, боши қизиши, кўп ухлай олмаслиги, йиғлаганда бошини орқага ташлаши, қўл ёки оёқларининг титраши каби белгилардан касалликни билиб олиш мумкин.

4-7 ёшдаги болаларда эса тез чарчаш, бош оғриғи, дарсларни ўзлаштиришда тенгдошларидан орқада қолиш ҳолатлари кузатилади. Баъзан ўқувчи сонларни яхши санаши, шеърни бемалол ёдлай олиши мумкин. Аммо бу фақат унинг механик хотираси яхшилигини билдиради. Бироқ абстракт фикрлашда қийналиши кузатилади.

Агар болани ёшлигидан жиддий эътибор бериб даволаса, тузалиб кетади. Аммо, баъзида унинг асоратлари қолиши ҳам мумкин. Бу фикр тарқоқлиги, диққатни жамлай олмаслик, тез чарчаб қолиш кабиларда кўринади. Шунингдек, ҳаво айниши билан бошнинг оғриши, ланжлик ҳам кузатилади. Баъзан бу касаллик бошқа дард билан бир вақтда кечса, тутқаноқ тутиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, бундай болалар руҳий шикастланишга кўпроқ мойил бўлади. Шунинг учун ўқитувчи, у синфдошларидан орқада қолаётган бўлса ҳам, унга бошқа болаларни ўрнак қилмаслигини маслаҳат берардик. Бунинг ўрнига унда бор қобилиятини ривожлантириб, рағбатлантириб бориши, тоза ҳавода кўпроқ бўлишига, соғлом турмуш тарзига риоя қилишига эътибор бериш керак.

Дилдора ЖЎРАЕВА,
1-республика тиббиёт коллежи "Оналикда ҳамширалик парвариши" кафедраси ўқитувчиси.

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар жорий йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилади.

АСКАР ТЕСТДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Айни кунларда барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ўз йигитлик бурчини адо этаётган аскарлар юртимиз олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёзли балл олиш ҳуқуқини берадиган тавсиянома олиш учун тест синовидан ўтмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан намунали хизмат қилган ва ўтказилган тест синовидан етарлича балл тўплаган аскарларга берилаётган бу имтиёз ёшларимизнинг ўзи танлаган соҳа бўйича олий ўқув юртларига ўқишга кириши учун кенг имконият яратмоқда. Шу билан бирга уларнинг интилиш ва қизиқишини, интеллектуал салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ҳам тавсиянома олиш учун тест синови топширди. Улар орасида оддий аскар Шавкат Эргашев ҳам бор.

Бир йил илгари йигитлик бурчини ўташга киришган Шавкат хизмат давомида командир ва бошлиқлар томонидан берилган вазифаларни ўз вақтида бажариб, сафдошларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлмоқда. Билимга чанқоқ бу йигит хизмат давомида ҳарбий қисм кутубхонасида жамланган зарур адабиётлар, қўлланма ва дарсликларни ҳам мунтазам ўқиб борди.

– Билим ва малакамни доимий ошириб борганим, бунинг учун ҳарбий қисмимизда зарур шарт-шароит яратилгани тест синовини муваффақиятли топширишимда ўз самарасини берди, – дейди Шавкат. – Ниятим – хизматни тугатиб, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш учун тайёргарликни давом эттириш ва келажакда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишдир.

Х. САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг

Тел: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz;
e-mail: oao@post.uz

КАТТА ИШЛАР ОЛДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ҳасан Назаров, "Алишербек-Файз-Савдо" хусусий корхонаси раҳбари:

– Янги йилимизга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном берилганлиги бизга янгича куч бағишлайди. Бу шахсий ташаббус ва тадбиркорликни шунчаки, рағбатлантириш эмас, балки яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар ҳамда енгилликлардан оқилона ва самарали фойдаланиш масъулиятини ҳам зиммамизга юклайди.

Нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хусусий корхонамиз барқарор ривожланиб бораяпти. Маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини ҳамшаҳарларимизга манзур қилиш ҳаракатидамиз. Эришаётган натижаларимизни "Ташаббус – 2010" кўрик-танловида намойиш қилиб, шаҳарда биринчи, вилоят босқичида иккинчи ўринни эгалладик.

Юртбошимиз ҳамиша хусусий тадбиркорлик корхоналари ишини илм-фан ютуқлари, энг янги технологиялар асосида ривожлантириш муҳимлигини таъкидлайдилар. Шу кўрсатмага амал қилиб, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ускуналарни янгилаш, замонавий технологиялларга ўтишнинг яхлит лойиҳасини амалга ошираяпмиз. Россия Федерациясининг "Восход" фирмаси билан ишончли ҳамкорлик қилаяпмиз. Шартнома асосида 100 миллион сўмлик ускуналар олиб келиб, ўрнатдик. Ҳозир янги технология асосида кунига 75 тонна нон маҳсулотлари тайёрлаяпмиз.

Ишлаб чиқариш изчил кенгайиб бораяпти. Чунончи, "Экспомарказ"да намойиш этилган минитехнологиялар билан қизиқиб, булочка-кондитер цехи учун зарур замонавий ускуналарни шартнома асосида 20 фоиз ўз маблағимиз, 80 фоиз кредит ҳисобига олдик. Улар тўла ишга туширилиб, 8 та янги иш жойи очилади.

Бу йил ҳам ишлаб чиқаришни модернизациялаш давом этади. Россиядаги ҳамкор корхона шартнома асосида 50 миллион сўмлик янги ускуна етказиб бераётир. "Ипотека" банкидан олаётган кредитимиз бу лойиҳани ҳам муваффақиятли амалга оширишимизга ёрдам бераяпти.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Ҳасан Турғунов, Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вилоят кенгашининг Бекобод шаҳридаги вакили:

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида касаба ташкилотларининг ташкилотчилик фаолиятига янги талаблар қўйилаётир. Давлатимиз раҳбари кўпукладли иқтисодиёт шароитида порахўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш сингари иллатларнинг оқибатлари ҳақида гапириб: "Қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан муроса қилишга чек қўйишнинг вақти келди", дея таъкидладилар. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида меҳнат шароитларини яхшилаш, ишловчиларни техника хавфсизлиги қоидаларига ўқитиш борасидаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар такомиллаштириляпти.

Шуларни ҳисобга олиб, касаба фаолларимиз тадбиркорлик соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя

қилишга эътиборни кучайтираяптилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш устидан жамоатчилик назорати кучайтириляпти. Иш жойлари шаҳодатланиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланмоқда. "Алишер-Файз-Савдо", "Бекободсуперсервис", "Ширин-Орзу-Қувонч" сингари хусусий корхоналарда бу ишга жиддий эътибор берилаётир.

СИФАТ – АСОСИЙ КЎРСАТКИЧ

Бахтиёр Нажмиддинов, "Ширин-Орзу-Қувонч" масъулияти чекланган жамиятининг цех мастери:



Маҳсулот ишлаб чиқаришни Баркамол авлод йилининг июль ойида бошладик. Шу сабабли бугун цехимиз участкаларини айлансангиз, ҳамма ерда ёшлар меҳнат қилаётганига гувоҳ бўласиз.

Технологик жараёнларни ташкил этишга 180 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Шоколад, бамбук қаламчалари ва ёстиқчалари, маккажўҳоридан карсилдоқ маҳсулотлар ишлаб чиқара бошладик. Улар ҳар жиҳатдан истеъмолчиларга маъқул келиб, талаб ой-сайин ортиб борди. Олти ойда ўнта савдо ташкилотига шартнома асосида 26 миллион сўмлик маҳсулот жўнатдик.

Келгусида вафли ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз. Шунда иш ўринлари 40 тага етади.

КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТИГА ЭЪТИБОР

Шерали Исроилов, "Ахборот-Маслаҳат маркази" унитар корхонаси директори:

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракати йил бошланмасданоқ анча жонланди. Бугун кундалик ишларимиз қизғин тус олди.

Ходимларимиз ўз хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга керакли маслаҳатлар бериб, қонун ҳужжатлари билан таништириб, ахборот-консалтинг хизмати кўламини кенгайтирмоқдалар. Биз бу борада муайян тажриба ҳам тўпладик. Чунончи, сўнгги бир йилда 445 фуқаронинг тадбиркорликни бошлашига ёрдам кўрсатдик. Таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, пишиқпухта бизнес-режалар ишлаб чиқишга кўмаклашдик. 102 тадбиркор ходимларимизнинг маслаҳатларидан фойдаланди. Умуман, 526 тадбиркорга 16 миллион сўмликдан кўпроқ консалтинг хизматлари кўрсатилди. 524 киши тадбиркорликни бошлаш учун давлат рўйхатидан ўтиш ва сармоя олишдан олдинги тайёргарлик ишлари, бизнес-режалар тузиш бўйича ўқитилди.

"Ташаббус – 2010" кўрик-танловининг шаҳар босқичида "Алишербек-Файз-Савдо" хусусий корхонаси раҳбари Ҳасан Назаров "Энг яхши тадбиркор", Наргиза Раҳмонова "Энг яхши ҳунарманд" йўналишлари бўйича ғолиб чиқиб, вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этишди. Давлатимиз раҳбарининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили режалари, яратилаётган имтиёзлар ҳақидаги сўзларидан руҳланган шаҳримиз ишбилармонлари "Ташаббус – 2011" кўрик-танловига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, шаҳарда тадбиркорлик ҳаракати кейинги йилларда анча ривожланди. Сўнгги бир йилда ишбилармонлар банклардан белгиланганидан 1 миллиард 793,9 миллион сўм кўп – 6 миллиард 765,9 миллион сўм кредит олишди. Бу йил кредитларни кўпайтириш ва мақсадли ишлатиш чоралари кўрилади.

Шу кунларда ҳокимликнинг тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, ахборот-маслаҳат маркази, бошқа тегишли ташкилот ва идораларда бўлсангиз, маслаҳат олгани, хусусий тадбиркорликни бошлаш учун рўйхатдан ўтгани, бизнес-режаларини малакали мутахассислар назаридан ўтказиб олгани келган ўнлаб кишиларга дуч келасиз. Уларнинг бири маҳалла гузарида тикувчилик цехи қурмоқчи, бошқаси қандолатчилик билан шуғулланмоқчи, учинчиси эса оддий этикдўзлик устахонаси очмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги уларга тегишли ёрдам кўрсатиш, расмиятчилик ёки саналорликка йўл қўйилмаслик устидан назоратни кучайтираяпти.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Еркебой БОТИРОВ (суратлар)
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2010 йилнинг 31 мартидан 2011 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун;
- маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- энг яхши матбуот хизмати;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2011 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: (8-371) 244-64-61, 244-64-62, 244-37-87. www.Journalist.uz

ҲАР БИР ТАДБИРКОР ЭЪТИБОРДА!

Тошкент вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ҳар ойнинг учинчи шанба куни экологик муаммолар бўйича шикоят ва аризаларни қабул қилиш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ва "Ишонч телефонлари" ташкил этилган.

Ҳурматли тадбиркорлар! Сизни ўйлантираётган ҳар қандай муаммолар, шунингдек, фикр-мулоҳазаларингиз бўлса мурожаат этишингизни кутиб қоламиз.

Вилоят Табитни муҳофаза қилиш қўмитасининг «Ишонч телефон»и рақами: 266-78-68.

ХХI аср ва ДУНЁ

Reuters агентлиги тарқатган хабарга кўра, Бразилияда сув тошқинлари ва ер кўчкилари қурбонлари 806 кишига етди. 20 мингдан зиёд киши уйларини ташлаб кетди ёки бутунлай бошпанасиз қолди.

ҚУРБОНЛАР САККИЗ ЮЗДАН ОШДИ

Турли маълумотларга қараганда, 200-300 киши бедарак йўқолган. Демак, қурбонларнинг мингдан ошиши эҳтимолдан ҳоли эмас. БМТнинг баҳосига мувофиқ, бу бутун Бразилия тарихидаги қурбонлар сони бўйича иккинчи йирик ҳалокатдир. 1974 йилда мамлакатда меҳнингит касали тарқалганда 1500 киши ҳалок бўлганди.

BBC News агентлигининг таъкидлашича, офат қурбони бўлганларнинг учдан бири болалар ва ўсмирлардир. Улардан энг кичиги беш кунлик чақалоқ бўлиб, Рио-де-Жанейро штатининг Нова-Фрибургу шаҳрида ер кўчкиси остида қолган. Бу шаҳар аҳолиси энг кўп талофот кўрди – 324 киши ҳаётдан кўз юмди.

Agenzia Giornalistica Halia берган хабарга кўра, камида бир чет эл фуқароси ҳам табиий офат қурбони бўлган. Италиялик 42 ёшли сайёҳ аёл бораётган автомобилни сув оқими суриб кетган.

Кучли тошқин ва кўчкилар тинимсиз ёғинлар натижасида январь ойининг ўрталарида бошланган эди. Айрим штатларда бир кунда

бир ойлик меъёрида ёғин ёққан. Рио-де-Жанейро, Сан-Пауло ва Санта-Катарина штатлари, айниқса, катта зарар кўрди. Ҳукумат жабрланган туманлар учун 400 миллион доллардан кўпроқ маблағ ажратди.

НИГОҲ

ҚИРҒИЗЧА ҚОИДАСИЗ ЎЙИН

Сайловлар аллақачон тугаган. Сиёсий кескинлик узоққа бўлмасада, анча юмшади. Ҳукуматнинг янги сайланган аъзолари мактаб таълими масаласини ҳал этишга киришсалар бўларди.

Таълим ва фан вазири Канат Содиқов 2010 йилда Қирғизистон мактаблари 62 фоиз дарсликлар билан таъминланганини айтди. Яъни, қирғиз мактабларининг деярли ярмида дарслик китоблар йўқ. Ҳақиқатан ҳам қишлоқларда ўн ўқувчига битта дарслик тўғри келади.

К. Содиқовнинг гапига қараганда, дарсликлар учун камбағалликни камайтириш йўналиши орқали қарийб 100 миллион сом маблағ олинаяпти. "Бироқ, бу пуллар етиб келгунча, биз тендер танловини ўтказиб, дарсликларни чоп этгунимизча, мактабларда яна бир туркум китоблар тўзиб, яроқсиз ҳолга келади. Демак, уларга янгидан эҳтиёж туғилади" дея нолийди таълим вазири.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда ҳукумат ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрмоқчи эмас. Муҳими – инсонпарварлик ёрдамини сабр-тоқат билан кутиш. Ва шунда бир неча йилдан сўнг зарур дарсликлар чоп этилади. Аммо, инсоф билан айтганда, бунга ҳам ишончимиз у қадар комил эмас.

Шу муносабат билан бир мисол келтириш ўринли бўлур эди. Ўшга яқин бўлган Шарқ қишлоғида июнь ойида юз берган тартибсизликлар чоғида вайрон қилинган мактаб ўқувчилари ҳанузгача брезент палаткаларда дарс тингламоқдалар. Ўн битта палатка ҳаммага жой етиши учун иккига бўлиниб, синфхона ва ўқитувчилар учун зарур нарсалар жойлаштирилган. Ҳолбуки, мактабни қайта тиклаш учун 2 миллион сом ажратилган эди. Ўз-ўзидан савол туғилади: ўша пуллар қани? Палаткаларда ўқитиш наҳотки, Қирғизистон учун муносиб бўлса? Ахир, бу Африка эмас-ку!

– Мактабда 685 болага дарс бериларди, – дейди илмий мудир Олтиной Бадалова. – Ҳозир уларнинг ҳаммаси палаткаларда икки сменада ўқитилаяпти. Кичик синфларда таълим олаётган ёш болаларнинг аксарияти деярли бутун кун давомида шу ерда бўлишади. Юқори синф ўқувчилари эса, қурилишда ишлаётган ота-оналари ва қўшниларига ёрдам беришаяпти.

Уч қаватли янги мактаб биносини Бишкекнинг тендерда ғолиб бўлган "Асқат" ташкилоти қураяпти. Бинокорлар мактабни кўкламгача қуриб, битказишни ваъда қилишмоқда. Аммо, палаткалар қандай ўрнатилган бўлса, шундай турибди. Қурилиш ишларининг бошланганги эса ҳамон кўзга ташланаётгани йўқ. Ҳукумат болаларни бутунлай унутиб қўйди. Роза Отунбоева қайд этдики, мактаб ўқувчиларини дарслик китоблар билан тўлароқ таъминлаш учун аввалги амалиётга қайтиш, яъни ота-оналар китобдан фойдаланганлик учун ижара пули тўлашларини жорий этиш лозим. Буни пулли ўқишнинг бошланишига ишора деб тушуниш мумкин.

Суяркул МАДМАРОВ.
Центр Азия – www.centrasia.ru

ВАРАҚА САҚЛАГАНЛАР ҚАТЛ ЭТИЛДИ

Шимолий Кореялик икки фуқаро Жанубий Кореянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш гуруҳи КХДРда тарқатаётган варақаларни сақлагани учун қатл этилди.

AFP агентлиги Жанубий Кореялик фаолнинг сўзларига таяниб шу хабарни тарқатди. Суҳбатдошнинг гапига қараганда, армия офицери ва 45 ёшли аёл очиқ, яъни жамоат олдида қатл этилган. Варақалар бир долларли пулга қўшиб КХДРга жўнатиларкан. Шу боис маҳаллий аҳоли варақаларни йиғиб олишдан моддий манфаатдор экан.

Қатл олдидан варақаларга бағишланган махсус мафкуравий йиғин ўтказилиб, ҳукм 500 киши кўзи ўнгида ижро этилди. Қатл қилинганлар оилаларининг олти аъзоси сиёсий маҳбуслар лагерига жўнатилди.

Жанубий Кореянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш гуруҳлари варақаларни Шимолий Корея ҳудудига тарқатиш учун ҳаво пуфакларидан фойдаланаяпти.

Варақаларда Шимолий Корея тузумини ағдариб ташлашга даъват этилган.

Агентликнинг суҳбатдоши аҳоли устидан мафкуравий назоратнинг кучайтирилишига Шимолий Кореяда ҳокимиятни ҳозирги раҳбар Ким Чен Иннинг ўғли Ким Чон Инга беришга тайёргарлик кўрилаётгани сабаб бўлса керак, дея тахмин қилган.

КАКАО ВА КОФЕ ЭКСПОРТИ ТЎХТАТИЛДИ

Кот-д' Ивуарнинг расман тан олинган президенти Алассан Уаттара какао ва кофе экспортини бир ой муддатга тўхтатиш ҳақида фармон эълон қилди.

AFP агентлигининг шу ҳақдаги хабарида бу тақиқлов солиқ тўлашга улгурмаган барча ишлаб чиқарувчиларга таллуқли эканлиги таъкидланади.

Янги сайланган давлат раҳбари ўз рақобатдоши Лорано Гбагбо билан шу тарзда курашишга ҳаракат қилаяпти. Бу рақиб ноябрдаги сайловларда ютқазганига қарамай, мансабдан кетишдан бош тортди. Ўз маҳсулотларини чет элга сотишни давом эттирадиган барча ишлаб чиқарувчилар "ноқонуний тузумни молиялаштириш"да айбланади.

Уаттара ҳозир мамлакатдаги вазиятни бошқараётгани йўқ. У мамлакатнинг энг йирик шаҳри Абиджондаги меҳмонхонада БМТнинг тинчлик ўрнатиш кучлари муҳофазасида турибди. Шу боис ҳақиқий ҳокимият Гбагбо қўлида.

Кот-д' Ивуар дунёда энг йирик какао дони ишлаб чиқарувчи давлат бўлиб, жаҳон бозорининг учдан бирини эгаллаган. Какао донини сотишдан тушадиган даромад мамлакат ички ялпи маҳсулотига нисбатан 25 фоизга тенг.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Зангиота тумани (собиқ Тошкент) СИБ томонидан, 20.12.2010 йилдаги №14362/2 ижро ҳужжатга асосан, Зангиота т, "С.Абдуллаев" МЧЖда сақланаётган, "Дамас" русумли, д/р 11Z8812 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 9 394 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 1 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Шунингдек, 2011 йил 15 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

Аукцион савдосига такроран Ангрен шаҳар СИБ томонидан, 22.04.2009 йилдаги №11-0909/3751 ижро ҳужжатга асосан, "Neptun Plus" МЧЖга тегишли, Тошкент в, Оҳангарон т, Увақ қ.ф.й., Гулбоғ қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 0,92га бўлган, 4 қаватли Поликлиника биноси. Бошланғич баҳоси - 393 329 004,04 сўм.

Аукцион савдосига такроран Янгийўл тумани СИБ томонидан, Янгийўл тумани Гулбаҳор қ.ф.й., "Гулбаҳор Матлубот савдо" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 1. "Зил-131" русумли, д/р 11В3000 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 13.04.2009 йилдаги №5-134/2009. Бошланғич баҳоси - 6 195 323 сўм. 4. "Зил-131" русумли, д/р 11М6398 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 01.04.2009 йилдаги №5-181/2009. Бошланғич баҳоси - 9 789 299 сўм.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, ул. Белтепа, дом 9, кв. 9, выданный Шайхантахурским БТИ на имя Ташмухамедовой Зиёды Миркабиловны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "ACTIVE SALES GROUP", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Нукус, дом 83-А (ИНН 207100506, ОКПО 23439000) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 25.01.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 159-78-91.

"ELDORGAZ" хусусий фирмаси "ELDORGAZ" МЧЖга айлантирилаётганлигини маълум қилади.

Даъво ва аризалар бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Х. Шобобоев кўчаси, 3-уй.

Чилонзор тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган лизинг компанияси "ALFA LIZING" ОАЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТАҲРИРИЯТГА хат келди

МУЛОҲАЗА

ТЎЁНАНИНГ «СТАВКА»СИ ҚАНЧА?

"Тошкент ҳақиқати" газетасида бериб борилаётган "Таҳририятга хат келди" рукни остидаги мақолаларни қизиқиш билан ўқиб бораман. Улардаги турфа мавзулар, қизиқарли фикр-мулоҳазалар мени ҳам анчадан буён қийнаб келаётган бир масала хусусида ёзишга ундади.

Оғайниларимдан бири тўйга айтди. Наҳорга ош бераётган экан. Ўртоқларим бир кун аввал "сабзи тўғрар"га борамиз дейишди.

Сабзи тўғраш бўлса, посонлик кетмайди деб, одмироқ кийиниб чиқдим. Ҳамроҳларим эгни-бошимни кўриб, ҳайрон бўлишганди, хизмат қилгани кетаётганимни айтдим. "Тўёна ҳам олдингми?" – сўрашди улар. "Йўқ, – дедим-у, тараддудланиб қолдим. – 50 мингча олиб чиқай бўлмаса". Йигитлар кулишди. "Ҳозир қайтса – қайтар, қайтмаса йўқ, қабилида каттароқ тўёна берилаяпти. Бу ахир оғайнингку. Тузукроқ қилиб олиб чиқ. Азза-базза тўёна бергани бир кун олдин бораяпмиз, ахир. Сабзи тўғрарини бизсиз ҳам қилаверарди бўлмаса", деди улардан бири.

Қизиқ, тўёнанинг ҳам "ставкаси" борми? Уни ким белгилайди?

Н. ТУРҒУНОВ,
Янгийўл тумани.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ ОЛАСИЗ

«ЖАРИМАГА ТОРТИЛИШИ МУМКИНМИ?»

"Тез тиббий ёрдам" машинаси шошилинч беморни олиб кетаётганда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими томонидан тезликни белгиланган меъёридан оширганлиги учун тўхатилиб, жаримага тортилиши мумкинми?

Х. МУҲАМЕДОВ,
Ангрен шаҳри".

– Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Йўл ҳаракати қоидалари"да шундай кўрсатилган: "Кўк рангли ялт-ялт этувчи чироқ – маёқчаси ва (ёки) махсус товушли ишораси ёқилган тезкор ва махсус хизмат транспорт воситаларининг ҳайдовчилари кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажараётиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан ушбу қоидаларнинг 8-боб (8.9 бандидан ташқари), 10-15, 18-19 боблари, қоидаларнинг 1 ва 2-иловалари талабларидан четга чиқишлари мумкин. Кўк рангли чироқ – маёқчага қўшимча қизил рангли чироқ – маёқча ҳам ёқилиши мумкин.

Бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан имтиёзга эга бўлишлари учун бундай транспорт воситаларида ялт-ялт этувчи чироқ – маёқча ва (ёки) махсус товушли ишораси ёқилган бўлиши шарт. Улар ўзларига йўл берилаётганлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина имтиёздан фойдаланишлари мумкин".

Исроилхўжа САЙИДКАРИМОВ,
вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори.

ИМТИЁЗ БОРМИ?

«Маълум сабабларга кўра, олий ўқув юртида ўқишни давом эттира олмаган талабанинг ўрни неча йилгача сақлаб турилади? Яъни қанча муддатгача ўқишни тиклашига рухсат берилади?

Қ. САФОЕВ,
Зангиота тумани».

– Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида Низом"га кўра, талаба ўқишдан четлатилгандан кейин 5 йилдан ортиқ муддат (ҳарбий хизматда бўлганлик, уч ёшгача бўлган болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ меҳнат таътили ҳамда соғлиқни қайта тиклаш вақтлари ушбу муддатга кирмайди) ўтган ҳолларда талабалар ўқишини қайта тиклаш Идоралараро комиссиясининг рухсати билан амалга оширилади.

Исомиддин ЁРМАТОВ,
Тошкент вилоят давлат педагогика институти филология факультети декани.

БОЛАЖОНЛАРГА АТАЛГАН БОҒ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили дебочасида бошланган хайрли ишлар эртанги кун фаровонлигидан дарак бўлса, ажаб эмас. Зеро, ҳар бир тадбиркор ўз меҳнатининг самарасига ишонади. Бўка туманилик тадбиркор Низомиддин Шарипов қўл урган хайрли иш, айниқса, болажонларни хурсанд қилди. 1,4 гектар майдонда бунёд этилган "Баҳор" оромгоҳидаги турли аттракционларда бир йўла 100 нафар болакай қувнаб-яйраши мумкин. Эътиборлиси шуки, бу ерда хизмат бепул.

Оромгоҳда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Шу кунгача 100 га яқин манзарали дарахт кўчатлари экилди. Кўклам келиши билан "Баҳор" янада яшнаб кетиши, болажонларга олам-олам қувонч, тадбиркорга омад келтириши шубҳасиз.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

НУҚТАИ НАЗАР

ОҒЗАКИ ИЖОД – ИНСОН РУҲИЯТИ ОЙНАСИ

Халқимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари узоқ тарихга эга бўлиб, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, сайқал топмоқда. Улар орасида, айниқса, халқ оғзаки ижодининг таркибий қисми бўлган достончилик ўзига хослиги, мавзу кўлами жиҳатидан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Замонлар ўтса-да, унинг инсон руҳиятига таъсири ва ёшлар учун тарбиявий аҳамияти йўқолгани йўқ.

Бугун глобаллашув жараёни кучайиб бораётган бир пайтда ҳар бир миллат, халқ ўзига хос бўлган жиҳатларни, ўзлигини, миллий қиёфасини сақлаб қола оладими, деган савол табиий, албатта. Шундай экан, миллат қиёфаси тил, маданият, санъат ва адабиёт орқали намоён бўлади. Демак, бугунги шиддаткор замонда юқорида санаб ўтилган хусусиятларни сақлаб қолган миллатгина эртанги куни – келажагини таъминлай олади. Шу жиҳатдан, қандай жамият бўлишидан қатъи назар, маданий масалаларга эътибор қаратилмас, миллий қадриятлар тараққиётнинг асоси қилиб олинмас экан, иқтисодий кўрсаткичлар ҳар қанча салмоқли бўлмасин, охир-оқибатда таназзулга юз тутиши мумкин.

"Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиёт-дир" деб ёзади Юртбошимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида. Оғзаки ижод эса ана шу бадиий меросниг ибтидоси, қайнар булоғи, халқнинг мангу уйғоқ руҳияти ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам достонларда инсон руҳиятининг энг гўзал товланишларини кўрамиз.

Ўзбек халқ достонларининг ҳар бири жуда катта бадиий қийматга эга. Биргина "Алпомиш" достонини ўзбек халқининг урф-одатлари, миллий қадриятлари, қаҳрамонлик тарихи ва жасоратининг бадиий қомуси деб аташ мумкин. Унда ҳаттоки, арзимас кичик бир унсур ҳам рамзий маъно кашф этади. Достондаги тимсолий маънога эга бўлган бундай сатрлар инсонни тўғриликка, меҳр-оқибатли ва адолатли бўлишга, айниқса, ёш йигит-қизларни Ватани, халқи ва ота-онасини севишга, асраб-авайлашга ундайди. Бунинг учун таълим муассасаларида ёшларни санъатга янада кенг жалб этиш мақсадида тарғибот-ташвиқот олиб бориш зарур. Уларни достондаги воқеалар, қаҳрамонларнинг ижобий ва салбий хусусиятларини таҳлил қилишга ундаш лозим. Бу ёшларга оқ-қорани ажратишни ўргатиш билан бирга, нутқи ва фикрини ҳам равон қилади. Масалан, Алпомиш қудукда зиндонбандлигида қутқармоқчи бўлган дўсти Қораённинг ёрдамини қабул қилишга ориятли йўл қўймайди.

Хулоса қилиб айтганда, достонларимиздаги бетакрор образлар, гўзал ташбеҳу тимсоллар, ҳар галги ижрода янгича мазмун ва моҳият кашф этган эпик формула – жозибали мисраларни ёшлар онгига сингдириш, уларнинг бадиий қийматини тушунтириш умумбадиий савияниг, шунингдек, ёш авлод дунёқараши ва иқтидорининг юксалишига олиб келади.

"Кўҳна тарихимизни шу маънода кўз ўнгимиздан ўтказиб, таҳлил қиладиган бўлсак, – дейди Президентимиз, – муҳим ва ибратли бир фикрни такроран айтишга тўғри келади. Яъни, ота-боболаримиз руҳий оламининг томир-илдизлари айнан юқорида зикр этилган маънавий заминда, тарихда ҳам, бугун ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатлар асосида шаклланган". Шу маънода халқ достонларини, умуман оғзаки ижодни ўрганиш фақат фольклоршунослик фани учун эмас, умуммаънавий тараққиёт учун ҳам ниҳоятда долзарб ва аҳамиятлидир.

Дилфуза УБАЙДУЛЛАЕВА.

ТАВБА

ХУЛОСА ЧИҚАРДИМ

Оиламизнинг кенжаси бўлганим учун жуда эрка эдим. Чўнтагимда хоҳланимча пул, маишатдан бошим чиқмай юрган кезлар...

Бир куни зиёфатдан чиқиб, маст ҳолда машинамга ўтирдим. Уйга етар-етмас кимнидир уриб юбордим. Аланг-жаланг ҳолда машинадан тушиб қарасам, ён қўшнимизнинг қизи экан. Эс-ҳушимни ўнглаб улгурмасимдан отаси чиқиб, мени четга итарди-да, қизини машинамга солиб, жўнаб кетди...

Қиз бечора... Маросимларига кетган харажатларни кўтардик, аммо улар даъводан воз кечишмади. Суд қарори чиқди...

Ҳар хил қийинчиликларни бошдан ўтказдим, турли одамларни кўрдим. Эркалигимни бу ерда биров кўтармади. Дангасалигим ҳам кўп панд берди. Кўп нарсаларнинг қадрини билдим. Яхши инсон бўлишга ахд қилдим.

Муддат тугаб, уйга қайтгач, ҳаммадан олдин қўшнимнинг ҳолидан хабар олдим. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ билан яхши муомалада бўлдим. Бир пайтлар мени ва оила аъзоларимни даҳшатга солган адолат менга ҳаёт қадрини ўргатди, тўғри йўлни кўрсатди...

А. ҚОДИРОВ.
Бўка тумани.

ОГОҲЛИК

ЎЙЛАБ КЎРИШСА ЯХШИ БЎЛАДИ

Мен оддий бир фуқаро сифатида ўзимни қийнаётган айрим фикрларим билан ўртоқлашишга жазм этдим. Ўз юртини ташлаб, ўзга юрт нонини афзал билгувчи, бойликка ҳирс қўйган, шу боис ҳеч нарсадан қайтмайдиган айрим инсонлар бундан тегишли хулоса чиқарадилар деган умиддаман.

Эрта тонгда қўшнимизникида йиғи овози эшитилди. Ён-атрофдагилар бунинг сабабини билиш учун йиғила бошлашди. Маълум бўлишича, қўшнимизнинг ўғли бир одам билан танишиб, унинг қўшни давлатда қўшма корхонам бор, сен ҳам бориб ишласанг, яхшигина пул топасан, деган гапига учиб, йўлга отланган. Онаси тўхта, аввал яхшилаб сўраб-суриштирайлик, нима билан шуғулланишар экан, ишчиларга ётоқ борми, дея зорланишига қарамай, шошапиша йўлга тушган. Мана, охир оқибат, «Ўйланмай қилинган иш келтирар ташвиш», деганларидек, унинг жасадини олиб келишибди.

– Аввало, ўғлимнинг жасадини олиб келишга ёрдамлашган ташкилотларга миннатдорчилик билдирмоқчиман, – дейди онаизор. – Бу барчага ибрат бўлсин...

Шу ўринда бир мулоҳаза. Узоқни кўра олмаган фарзанд "Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу" деган ҳикматга амал қилмай, ўз яқинлари бошига шундай кулфат солиб кетди. Ёшлар бўлар-бўлмас кимсаларнинг алдоларига учмай, ўз юртларида бир касб этагини маҳкам тутиб, сидқидилдан меҳнат қилсалар, рўзғорлари бут, ўзлари соғ-саломат бўлиб, орзу-ҳаваслари ҳам албатта ушалишини тўғри тушуниб етсалар, яхши бўларди.

Гулзода ШУКУРОВА,
Бекобод тумани.

Материалларни Юлдузхон МУҲИДДИНОВА тайёрлади.

ОДАМ САВДОСИ

ШУДГОРДАГИ ЛУҚМАНИ ДЕБ ТИНЧЛИГИНИ ЙЎҚОТГАНЛАР

Ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларидан қоқилмай, кўнгил кўчаларига эрк бермай, соф виждон, покиза имон билан яшаш ҳаммага ҳам насиб этавермас экан. Айниқса, қалбига ношукрчилик, ғаламислик уя қуриб олган кимсаларга "икки дунё бир қадам" бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Енгил-елпи ҳаёт кечириб, осонгина қорин тўйғазиб юрганлар ўз юртида ҳалол меҳнат қилиш ўрнига, ўзга юртларда хор бўлиб қолганларини, афсус, жуда кеч англаб етишади.

Оққўрғонлик фирибгар Хонзода Арслонова (исмлар ўзгартирилган) шундай ношукр, ношуд кимсаларни ўз тўрига илинтириш учун кўпам елиб югурмади. Бу тўрга лаққа балиқлар осонгина туша бошлади. Чунки, унга қўйилган хўрак жуда "мазали" эди. Кам ишлаб, кўп пул топиш, ёғлиққина лукмаю, дабдабали турмушни орзулаб, "олма пиш, оғзимга туш" деб юрадиганлар шудгордаги қуйруқдан ҳеч қачон ҳазар қилмайди.

Хонзода дастлаб қармоғига илинган ўлжалари Собиржон, Шерхон, Ноила, Валижон, Марҳамат ва воягa етмаган Назирахонларни Қозоғистонда ишлаб, жарақ-жарақ пул топишларига ишонтирди, чегарадан олиб ўтиб қўйишга ваъда бериб, йўлкирани ҳам ўзи тўлади. Унинг сохта меҳрибончилигини олижаноблик деб тушунган нодонлар эртасигаёқ Нурлан исмли одамфурушнинг ўлжасига айланди.

Тўғри, айланма йўллардаги хавотир, қўрқинч, шубҳалар чегарадан ўтиб олгач, тумандек тарқади. Энди улар гўё "эркин қуш", хоҳлаганча ишлаб, хоҳлашган пулни олишади. Аммо, кейинги воқеалар ривожи мўмай пуллар сароб эканлигини шундоққина кўрсатиб қўйди.

Нурланнинг айтишича, бу одамларни у Хонзодадан 370 минг сўмга сотиб олган. Энди уларнинг ихтиёри Нурланнинг қўлида. Ўз навбатида у ҳам арзонгина тушган ишчиларни ҳамтовоғи Семга 110 минг тангага сотиб юборади.

Сем ҳам анойи эмас, ишлашга келганларнинг ёшроқ, кучлироқларини танлаб олиб, қолганини Нурланга қайтарди. Бу пихини ёрган одамфуруш эса, ёши ўтиб қолган Валижон ва Собиржонларни Сержан исмли йигитга 10 минг тангага сотди.

Табиийки, текинга ишлаш ҳеч кимга ёқмайди. Боз устига, унга хизматкордек буйруқ берса, дўқ қилса. Ҳа, Собиржон Валижонга нисбатан абжирроқ чиқди. Яна одам олиб келиб беришни ваъда қилиб, янги хўжайинидан рухсат олди. Сержан уни қўйиб юборишга кўнди-ю, лекин ҳамтовоғи Санжарни ҳар эҳтимолга қарши Собиржонга қўшиб юборди.

"Бузоқнинг югургани сомонхонагача" деганлари рост. Санжарнинг бежо қадами Ўзбекистон ИИБ ходимлари назаридан четда қолмади. Натижада Хонзода бошлиқ одамфурушлар сири фош, жиноята ошкор бўлди.

Шундай қилиб картошка, тарвуз экишга борган ёлланма ишчилар ҳали цемент заводида, ҳали сотиб олган хўжайинлари уйида хизматкорлик қилишга мажбур бўлишганини, яна аллақанча «ажойиб-ғаройиб саргузаштларини», қўлма-қўл сотилиб, ҳеч нарсага эга бўлмай, аранг қайтиб келганларини суд залида сўзлаб беришди. Шу ўринда бир мулоҳаза: турли баҳоналар билан четга чиқиб кетаётган ношуд бандалар ўзгалардан эмас, аввало, ўз қавмидаги одамларнинг, Хонзодага ўхшаган риёкорларнинг тузоғидан эҳтиёт бўлсалар, бундай хор-зорлик, сарсон-саргардонликка дучор бўлишмасмиди?!

Тўғри, жиноятга жазо муқаррар. Бу йўлнинг охири жарлик эканлигини идрок этмаслик мумкин эмас. Аммо, текин даромад "кўзини кўр, қулоғини кар" қилиб қўйган кимсаларнинг борар жойи қонуннинг қора курсиси эканлигини тушуниб етганда эса, жуда кеч бўлади. Хонзода ҳам шундай бўлди. Энди унинг шундоғам нобоп муҳитда тарбиялаётган тўрт фарзанди нафақат отасиз, балки жиноий жавобгарликка тортилиб, бир неча йил жазо муддатини ўтайдиган оналарисиз яшайдиган бўлишди. Начора, "қилмиш-қидирмиш" дейдилар.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги-тарнау кўчаси, 3-уйга тегишли Саидходжаева Захро Ориповна номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти томонидан 1994 йилда Атамуратов Бахтияр Жумабаевич номига берилган № 007002 рақамли (рўйхат рақами 2138) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный гос.ордер № 0022/2164 от 23.06.93г. права собственности на квартиру Рожковой Ирины Александровны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "INSHOOTGEOLOYIHA" зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района за реестр. № 002961-09 от 12.11.2008г. (ИНН 206980631), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания учредителей № 2 от 23.12.2010г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 246-77-59.

Общество с ограниченной ответственностью ООО "Almikur Global" зарегестрированное Отделом Государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, Шайхантахурский район, Ц-14, дом 7, квартира 82 (ИНН 301344124) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Приказ учредителя № 1 от 25 января 2011 г.) Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления.

"DORI-DARMON GARANT" шўъба корхонаси ўз устав фондини 73 457 329 сўмдан 68 350 200 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

"MARKOV DMITRIY" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Тел.: 350-45-85.

Тошкент вилояти, Пискент туманидаги 23-УЎТ мактаби томонидан 1994-1995 ўқув йилида Шарипова Дилафруз номига берилган № 027395 рақамли 11-синфни тугатганлик тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2008 йилда Одилов Акмал Гопирджанович номига берилган К № 1022350 рақамли (рўйхат рақами 3022) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур туманидаги 192-мактаб томонидан 1986 йилда Асқарова Арофат Саидаҳматовна номига берилган O'R-Z № 1421826 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "G'UNCHA KOMMUNALCHI" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати "SOMONBOZOR KOMMUNALCHI" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати таркибига бирлашишини маълум қилади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 13.10.2009 йилда № 003179-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган "RUSTAM OBOD" (ИНН 301343839) хусусий корхонасига тегишли бўлган бурчак тамға йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 30.07.2010 йилда № 004501-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BAXODIR-HIMOYA SERVIS" (ИНН 301670306) хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 17.09.2010 йилда № 004584-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "IBROHIM BARAKA UNIVERSAL SAVDO" (ИНН 301700425) масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский р-н, квартал-8, дом 2-А, кв. 56, выданный Чиланзарским БТИ на имя Улыбиной Альбины Рустамовны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "KOKO SARANG", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района за реестр. № 005176-08 от 27.08.2009г. (ИНН 301303285), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ директора № 1 от 22.01.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 790-26-27.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 15640. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1234